БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 227 (974)

15 НОЯБРЬ ЖУМА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Ҳозир бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия ички демократияси нақадар мустаҳкамланганлиги, коммунистларнинг ижодий активлиги ўсганлиги ва партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти янада ошганлигини кўрсатмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳартарафлама кенг муҳокама қилинмоқда, яхши тажрибалар умумлаштирилмоқда. Шу билан бирга йиғилишларда сўзга чиқаётган коммунистлар партия ташкилоти ишидаги камчиликларни большевикчасига танқид ва ўз-ўзини танқид асосида дадиллик билан очиб ташламоқдалар ҳамда партия ташкилотлари фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги ишларини яхшилаш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар.

Яқинда Оҳангарон шаҳридаги «Узбекшахтострой» трестига қарашли 4-қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Партия бюросининг секретари ўртоқ И. Колесников доклади юзасидан бўлган музокараларда кўпгина коммунистлар чиқиб сўзладилар. Улар партия ташкилоти фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни қаттик танқид қилдилар, партия бюроси ва хўжалик раҳбарларининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қурувчилар ўртасида социалистик мусобакани авж олдириш ва идеология ишларини кучайтиришга етарли эътибор бермаётганлигини кўрсатиб ўтдилар ҳамда бу соҳадаги камчиликларни узил-кесил бартараф қилиш, уй-жой қурилишини яхшилаш тўғрисида жон қуйдириб гапирдилар. Шунингдек, коммунистлар ҳисобот докладида камчиликлар хаспўшлаб ўтилганини ҳам алоҳида қайд қилиб кўрсатдилар.

Йиғилишда қурилишга комсомол путёвкаси билан келган комсомолёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар қониқарсиз олиб борилаётганлиги ҳам очиб ташланди. Нотиқлар партия бюросининг янги составидан бу камчиликларни тезда тугатишни талаб қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам, бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотларининг омма орасидаги ишига, белгиланган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларига раҳбарлик қилишдаги, партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни уюштиришдаги фаолиятларига якун ясалмоқда, улар олдида турган янги вазифалар белгилаб берилмоқда.

Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз, совхозлар ва МТСларга ишнинг кўзини билиб конкрет раҳбарлик қилмоқ учун даставвал хўжаликнинг экономикасини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш керак. Саноат ва қурилишни бошқаришнинг янги структураси ва колхоз, совхозларда планлаштиришнинг янги тартиби корхоналар ишини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқаришга оммани кўпроқ жалб қилиш ҳамда унинг ижодий ташаббускорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Партия ташкилотларининг катта кўпчилиги ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятларини янада юқори босқичга кўтардилар, оммани хозирги куннинг конкрет вазифаларини амалга ошириш учун курашга safарбар этиш йўлида ташкилотчилик ишларини кучайтириб юбордилар. Аммо шундай фактлар ҳам борки, айрим партия ташкилотлари ўзларининг чинакам ташкилотчилик ролини унутиб қўймоқдалар. Шу сабабли хўжалик қурилишига раҳбарлик қилишда юз тини янада оширишга ёрдам берсин.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини пухта тайёргарлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтказишга бошчилик қилиш, йиғилишларда коммунистларнинг ғаллаб иштирокини таъминлаш—шаҳар ва район партия комитетларининг бевосита бурчидир. Улар ўтган сайловлар вақтида айрим жойларда содир бўлганидек, бошланғич партия ташкилоти секретарлигига коммунистларнинг ҳоҳишидан ташқари тавсия этилган кишиларни сайлашга урининб, партия ички демократиясини бузиш каби кўпол хатоларга мутлақо йўл қўймасликлари лозим.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларининг қарорлари партия ташкилотларининг амалий фаолияти учун конкрет программадир. Бу қарорларнинг ҳеч сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун дарҳол ишга киришиш, партиялилар ва партиясизлар кенг оммасини олтинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга safарбар қилиш керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари областимиз саноат корхоналарининг коллективлари олтинчи беш йиллигининг иккинчи йили топшириқларини белгиланган вақтдан илгари бажариш учун, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эса мамлакатга 500 минг тонна пахта топшириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятни бажариш учун маҳкам бел боғлаб курашаётган бир шароитда ўтмоқда. Лекин шуни ҳам эътироф қилишимиз керакки, ганимат кунлар ўтиб бораётганлигига қарамай, областимиз пахта тайёрлашда кейинда қолаётир. Бу ҳол коммунистлардан колхоз, совхоз ва МТС партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида пахта йиғим-терим суръатини тезлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилишни ва колокликни тугатиш юзасидан муҳим амалий тадбирлар белгилашни талаб қилади.

Шунга эришмоқ керакки, бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари юксак савияда, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш белгиси остида ўтсин, бу йиғилишлар олдимизда турган ҳозирги муҳим сиёсий-хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга, меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада ошириш учун ҳаммамизнинг ишимизга, белгиланган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларига раҳбарлик қилишдаги, партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни уюштиришдаги фаолиятларига якун ясалмоқда, улар олдида турган янги вазифалар белгилаб берилмоқда.

Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз, совхозлар ва МТСларга ишнинг кўзини билиб конкрет раҳбарлик қилмоқ учун даставвал хўжаликнинг экономикасини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш керак. Саноат ва қурилишни бошқаришнинг янги структураси ва колхоз, совхозларда планлаштиришнинг янги тартиби корхоналар ишини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқаришга оммани кўпроқ жалб қилиш ҳамда унинг ижодий ташаббускорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Партия ташкилотларининг катта кўпчилиги ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятларини янада юқори босқичга кўтардилар, оммани хозирги куннинг конкрет вазифаларини амалга ошириш учун курашга safарбар этиш йўлида ташкилотчилик ишларини кучайтириб юбордилар. Аммо шундай фактлар ҳам борки, айрим партия ташкилотлари ўзларининг чинакам ташкилотчилик ролини унутиб қўймоқдалар. Шу сабабли хўжалик қурилишига раҳбарлик қилишда юз тини янада оширишга ёрдам берсин.

АНТОНИН ЗАПОТОЦКИЙ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Чехословакия Республикасининг Президенти, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти ўртоқ Антонин Запотоцкий унча узоқ давом этмаган оғир касалликдан кейин 13 ноябрь эрталаб соат 7 да Прагада вафот этганлигини партияга ва ҳамма меҳнаткашларга чуқур қайғу билан хабар қиладилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига Чехословакия Республикаси Миллат мажлисига Чехословакия Республикаси ҳукуматига

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Чехословакия Республикасининг Президенти, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг вафоти муносабати билан таъзия билдирадилар ҳамда сизлар билан бирга чуқур қайғирадилар.

Ўртоқ Антонин Запотоцкий ўзининг бутун ҳаёти давомида чехословак ва халқаро революцион ишчилар ҳаракати ҳамда коммунистик ҳаракатнинг олдинги сафларида бориб, ўзининг бутун кучини меҳнаткашларни озод қилиш йўлидаги, марксизм-ленинизм таълимотини турмушга татбиқ қилиш йўлидаги улуғ курашга бағишлади.

Чехословакия меҳнаткашлари ва Чехословакия Коммунистик партияси ўзининг содиқ фарзанди ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг вафоти билан атоқли пролетар революционериданг, ишчилар синфининг иши учун, халқ-демократик тузумни ўрнатиш учун, Чехословакияда социализм қуриш учун толмас курашчиларидан жуда бўлдилар.

Ўртоқ Антонин Запотоцкий ҳамиша Совет Иттифоқининг содиқ ва самимий дўсти бўлиб келди. У СССР билан Чехословакия ўртасида бузилмас дўстликни ва маҳкам иттифоқни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга, социалистик лагердаги ҳамма мамлакатларнинг қонуний бирлиги, қардошларча дўстлиги ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга зўр ғамхўрлик билан кўп куч сарфлади.

Совет Иттифоқи халқлари Чехословакия Республикасининг халқ ичидан чиққан Президенти, пролетар курашчиси ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг ёркин образини ўз хотирида абадий сақлайдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Чехословакия Республикасининг Президенти Антонин Запотоцкийни дафн этиш маросимида қатнашадиган СССР Ҳукумат делегацияси

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Чехословакия Республикасининг президенти Антонин Запотоцкийни дафн этиш маросимида қатнашиш учун қуйидаги составда ҳукумат делегациясини белгиладилар: СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Н. Г. Игнатов, Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат Д. С. Коротченко, СССРнинг Чехословакия Республикасидаги элчиси И. Т. Гришин.

Ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг вафоти муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг таъзияси

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев 13 ноябрда Чехословакия Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Я. Вошаглик ҳузурига бориб, Чехословакия Республикасининг президенти, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Антонин Запотоцкийнинг вафоти муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети номидан чуқур таъзия билдирдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Чехословакия Республикаси делегациясини қабул қилдилар

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ўртоқлар шу йил 13 ноябрда Чехословакия Республикасининг А. Новотний, В. Широкий, Р. Барак, К. Бацилека ва И. Гендрих ўртоқлардан иборат Партия-ҳукумат делегациясини қабул қилдилар.

Чехословакия делегацияси Чехословакия Республикаси Президенти ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг вафот этганлигини хабар қилди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ўртоқ Запотоцкийнинг вафоти муносабати билан Чехословакия делегациясига Марказий Комитет номидан чуқур таъзия билдирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ СУДЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов 1957 йил 15 декабрь якшанба кунга белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 12 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мажбурияти

Ўзбекистон ССРнинг колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети томонидан қўйилган вазифани — аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш юзасидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини гоят баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Ўтган 1956 йил Ўзбекистонда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ қураши белгиси остида ўтди. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта, дон, пилла, сут, гўшт, жун етиштиришни кўпайтиришда каттагина ютуқларга эришдилар. Бу эса, мазкур маҳсулотларни тайёрлаш ва харид қилишни кўпайтириш имкониятини берди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, республика бу йил ҳозирдаёқ дон, сут, тухум, жун, пилла ва қорақўл тери тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини бажариб бўлди. 1957 йилнинг 10 ойи ичида давлатга 1956 йилдагига нисбатан сут 37,2 минг тонна, гўшт 16,4 минг тонна, тухум 7, 2 миллион дона, жун 1.612 тонна ортиқ топширилди ва сотилди.

Республикада молларнинг серсут ва гўштдорлигини ошириш юзасидан жиддий тадбирлар амалга оширилмоқдаки, ҳозирдаёқ бу тадбирлар дастлабки натижаларни бера бошлади. Масалан, шу йилнинг 10 ойи ичида колхозлар ва совхозлар ўтган йилдагига нисбатан 53 минг тонна сут ва 20 минг тонна гўшт кўп етиштирдилар. Республиканинг 500 дан ортиқ колхоз ва совхозлари ҳар бир сигирдан ўрта ҳисоб билан бир минг килограммдан уч минг килограммгача сут соғиб олдилар. Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз подадаги сигирларнинг ҳар биридан ўрта ҳисоб билан 3.176 килограмм, Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз 3.000 килограмм, Ғиждувон районидаги Энгельс номли ва Избоскан районидаги Сталин номли колхозлар эса жайдари ҳар бир сигирдан ўрта ҳисоб билан 1.500 килограммдан сут соғиб олдилар.

Ўзбекистон ССР қимматли қорақўл терилари етиштиришнинг асосий базаси ҳисобланади. 1957 йилда колхозлар ва совхозлар қорақўл қўйларини кўпайтирдилар, қорақўл тери тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариб, биринчи сорт барра олинишини 81 процентгача оширдилар. Ўзбекистоннинг энг яхши қорақўлчилик хўжаликлари бўлган «Конимех», «Қорақум» ва «Томди» совхозлари, Бешкент районидаги III Интернационал номли колхоз, Томди районидаги Хрушчев номли ва Андреев номли колхозлар, Свердлов районидаги Сталин номли ва Пахтакор районидаги «Ленинчи чорвадор» колхозлари қўйларни қўзилатишда, жун қиркиб олишда йил сайин юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар ва қорақўл терисининг камида 92-95 процентини биринчи сортларга топширмоқдалар.

Биз чорвачиликда маълум ютуқларга эришганига қарамай, бу тармоқнинг республика қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам қолоқ тармоқ эканлигини биламиз. Бунга асосий сабаб — бизда ҳамма хил ем-хашак экинлари етиштириш учун катта имкониятлар бўлишига қарамай, ем-хашак етиштириш қониқарли эмас.

Пахтанинг йўлдоши сифатида бедазорларни кенгайтириш, маккажўхори ва оқжўхори экиладиган майдонларни кўпайтириш, суғориладиган ерларда бедани 3-4 марта ўриш, маккажўхоридан икки марта ҳосил олиш имкониятининг борлиги, яйловлардан ва сув манбаларидан рационал фойдаланиш республика колхозлари ва совхозларида чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратаолади.

Буни илғор колхозлар ва совхозларнинг ажойиб иш тажрибасидан кўриш мумкин. Тошкент областидаги 4-сон Вревский совхозида, Наманган областидаги «Сталинград» колхозида ва бошқа бир қанча совхоз ва колхозларда ҳар йили бедани 4-5 марта ўриб, ҳар бир гектар ердан 90-110 центнердан беда олинмоқда. Наманган областидаги Ленин номли колхозда, Фарғона областидаги «Саноат» колхозида гектаридан 400 центнер ва ундан ҳам ортиқ кўп маккажўхори пояси олинмоқда.

Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни яқин вақт ичида кескин кўпайтириш тўғрисидаги чақириғига жавобан Ўзбекистон колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1960 йилга бориб колхозларда ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қуйидагича кўпайтириш мажбуриятини—гўшт етказишни 226 минг тоннага, сут етказишни 428 минг тоннага ва жун етказишни 23 минг тоннага етказиш ёки 1956 йилдагига нисбатан гўшт ва сут етказишни икки баравардан зиёдроқ кўпайтириш ва жун етказишни 1,8 баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Республика областларидаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотини 1960 йилгача 1956 йилдагига нисбатан қуйидагича кўпайтириш мажбуриятини олдилар:

Бухоро областида — гўшт етказиш 3,5 баравар, сут етказиш 2,4 баравар ва жун етказиш 2 баравар кўпайтирилади;

Хоразм областида — гўшт етказиш 3 баравар, сут етказиш 3 баравар ва жун етказиш 2 баравар кўпайтирилади;

Қорақалпоғистон АССРда — гўшт етказиш 2,6 баравар, сут етказиш 2 баравар ва жун етказиш 2,3 баравар кўпайтирилади;

Наманган областида — гўшт етказиш 2,4 баравар, сут етказиш 2,4 баравар ва жун етказиш 2,5 баравар кўпайтирилади;

Сурхондарё областида — гўшт етказиш 2,4 баравар, сут етказиш 2,5 баравар ва жун етказиш 1,6 баравар кўпайтирилади;

Фарғона областида — гўшт етказиш 2,2 баравар, сут етказиш 3 баравар ва жун етказиш 2 баравар кўпайтирилади;

Қашқадарё областида — гўшт етказиш 2 баравар, сут етказиш 2,7 баравар ва жун етказиш 1,8 баравар кўпайтирилади;

Самарқанд областида — гўшт етказиш 2 баравар, сут етказиш 2,3 баравар ва жун етказиш 1,5 баравар кўпайтирилади;

Тошкент областида — гўшт етказиш 2 баравар, сут етказиш 2,7 баравар ва жун етказиш 1,6 баравар кўпайтирилади;

Андижон областида — гўшт етказиш 1,6 баравар, сут етказиш 2,3 баравар кўпайтирилади.

Олинган мажбуриятларнинг реаллиги кўпгина илғор колхозлар ва совхозларнинг иш практикасида тасдиқланмоқда: Самарқандаги Биринчи совхоз суғориладиган деҳқончилик шароитида 1.200 бош қорамол ва 5 минга яқин чўчқа боқмоқда. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисобланганда бу совхозда шу йилнинг 9 ойи ичида 800 центнер сут ва 162 центнердан гўшт етиштириб берилди. Йирик пахтакор колхозларда — Октябрь районининг Сталин номидаги, Ғиждувон районининг Энгельс номидаги, Калинин районининг Ворошилов номидаги колхозларида ва бошқа кўп колхозларда юксак даражада ривожлантирилган пахтачилик сермаҳсул чорвачилик билан муваффақиятли равишда қўшиб олиб борилмоқда.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш биринчи навбатда мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришни талаб этади. Республикада озиқалар етиштирмоқ учун экин майдонларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда, беда, маккажўхори, оқжўхори ва бошқа озиқа экинларининг ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда озиқаларни, айниқса маккажўхори ва оқжўхорини кент миқёсда силос қилиб қўйиш ишлари биринчи марта ўтказилмоқда. Дашт ва ярим дашт яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Колхозларда ва совхозларда ишлаб чиқариш бинолари қуриш авж олдириб юборилди ва чорвачилик фермаларида меҳнатни кўп талаб қиладиган ишлар комплекс механизациялаштирилмоқда.

Қашқадарё, Бешқўтон массивлари, Мирзачўл ва Марказий Фарғона ерлари сингари пахта экиладиган янги районларнинг ўзлаштирилиши шу районларда сермаҳсул чорвачиликни ривожлантиришга имкон беради. Қорақалпоғистон АССРдаги, Бухоро ва Самарқанд областларидаги колхозларда ва совхозларда ғўшт-сут чорвачилигини ва қорақўлчиликни кенгайтирмоқ учун катта имкониятлар бор.

Чорва молларнинг зотини яхшилаш мақсадида республика колхозларида ва совхозларида кам маҳсул қора молларни Ватанимизда етиштирилган яхши зотли буқалардан қочириш ишлари ўтказилмоқда, қорақўл қўйларининг зотини янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда ва чорва молларни сунъий қочириш кенг жорий қилинмоқда.

Олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ҳаммамиздан янада кўп ғайрат сарфлаб ишлашни, барча ички имкониятларни ишга солишни, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб боришларини талаб этади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари кўп миллионлик бутун совет халқи билан бирликда КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг ва уларга қўшилган Шепиловнинг партияга қарши группаси олиб борган фракциячилик фаолиятини қоралаган қарорини чуқур мамнуният ҳислари билан якдил бўлиб маъқулладилар ва уларнинг бузғунчилик фаолиятини қаттиқ қораладилар. Турмуш ва халқдан ажралиб қолган бу сиёсий кўрлар кейинги вақтларда қишлоқда рўй берган жуда катта ўзгаришларни кўрмадилар.

Ўзбекистон колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмоқ учун тагин ҳам кўпроқ ғайрат билан курашишга, ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажаришга ва коммунизм қуришнинг умумий ишига муносиб ҳисса қўшишга ваъда бердилар.

Бу мажбуриятларга қўл қўйдилар:

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Н. Муҳитдинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. Камолов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Қ. Муртозаев, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри М. Муҳаммаджонов.

Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, область ижроия комитетининг раиси, Х. Жалилов, Бухоро область партия комитетининг секретари А. Ризаев, область ижроия комитетининг раиси И. Ниёзматов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари Н. Маҳмудов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Н. Жапақов, Андижон область партия комитетининг секретари Р. Қурбонов, область ижроия комитетининг раиси А. Ҳайдаров, Самарқанд область партия комитетининг секретари О. Алимов, область ижроия комитетининг раиси Р. Ортиқов, Фарғона область партия комитетининг секретари Т. Қамбаров, область ижроия комитетининг раиси Ф. Шамсиддинов, Наманган область партия комитетининг секретари А. Тоиров, область ижроия комитетининг раиси Н. Муротов, Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Гуломов, область ижроия комитетининг раиси А. Раҳматуллаев, Сурхондарё область партия комитетининг секретари О. Ҳакимов, область ижроия комитетининг раиси К. Ёқубжонов, Хоразм область партия комитетининг секретари М. Раҳмонов, область ижроия комитетининг раиси Д. Ёқубов.

Томди район партия комитетининг секретари У. Ансатбоев, Калинин район партия комитетининг секретари Г. Маждидов, Бешкент район партия комитетининг секретари М. Мирсоатов, Конимех район партия комитетининг секретари У. Мирзаалиев, Денов район партия комитетининг секретари Н. Ҳайдаров, Бешкент районидаги III Интернационал номидаги колхознинг раиси Х. Ҳўжақулов, «Ленинчи чорвадор» колхозининг раиси И. Зокиров, 4-Вревский совхозининг директори П. Ставной, «Конимех» совхозининг директори Ш. Қўзанбоев.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг ахбороти

1957 йилги ҳосилдан қанд лавлаги тайёрлаш йиллик планининг умуман СССР бўйича муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида

Мамлакатнинг лавлагикор районларидаги колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX съездининг қарорларини амалга ошира бориб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, бу йил қанд лавлагидан яхши ҳосил етиштирдилар, бу эса қанд лавлаги тайёрлаш йиллик планини умуман СССР бўйича муддатидан илгари 10 ноябрда 105 процент бажаришга имкон берди. Мамлакатнинг колхоз ва совхозлари давлатга 37,9 миллион тонна қанд лавлаги топширдилар, бу миқдор 1956 йилги ҳосилдан тайёрланган қанд лавлагига нисбатан 6,4 миллион тонна ёки 20 процент ортиқдир.

Қанд лавлаги тайёрлаш давлат планини Украина ССР муддатидан илгари 107 процент, РСФСР 101 процент, Молдавия ССР 101 процент, Қирғизистон ССР 127 процент, Литва ССР 101 процент, Латвия ССР 103 процент ва Арманистон ССР 106 процент бажардилар.

Давлатга қанд лавлаги топшириш давом этмоқда.

Мамлакатнинг қанд заводлари 1957 йилда 4,5 миллион тоннадан ортиқ қанд-шакар ишлаб чиқарадилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ишлаб чиқаришга партия раҳбарлиги савиясини оширайлик

«Ўзбекуголь» комбинатига қарашли Оҳангарон шаҳридаги 9-шахта кончилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўнинчи 40 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига бирдамлик билан қўшилиб, кўмир қазиб чиқаришни янада кўпайтиришга эришдилар. Шахта коллективи шу йилнинг ўтган 10 ойи ичида пландан ташқари 39 минг тонна кўмир қазиб чиқарди. Кўмир қазиб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагисига нисбатан 22,6 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 14,9 процентга ошди. Қазиб чиқарилаётган кўмир таннархини камайтириш ҳисобига 559 минг сўм маблағ тежалди.

Кончилар ўртасида социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда ва у ижобий натижалар бермоқда. Коммунист ўртоқ Хон Федор бошлиқ 1-участка коллективи йил бошидан буён бир меёрда ишлаб, планни ортиги билан адо этмоқда. Участка кончилари 26 октябрда 11 ойлик кўмир қазиб чиқариш планини бажариб, шу кунларда декабрь ойи ҳисобига ёқилғи қазиб чиқармоқдалар. Участканинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, фахрий шахтёр ўртоқ И. Братерский бошлиқ навалоотбойчилар бригадасининг иши айниқса мақтовга сазовордир. Бригада бошлиғи ўртоқ Братерский занжирли транспортерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўрнатиш учун кетадиган вақтни 4 соатга камайтирди. Натижада бригада бўйича ана шу вақт ичида пландан ташқари юзларча тонна кўмир қазиб чиқаришга эришилаётир.

Участканинг ўртоқ Н. Судаков бошчилик қилаётган навалоотбойчилар бригадаси ҳам унумли ишлаётир. Бу бригада аъзолари 11 ойлик планни муддатидан бир ҳафта олдин бажарди. Участкада меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган.

Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришда коммунистлар авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Навалоотбойчилардан Примқулов, Файзуллин, Мирзаев, Ҳасанов, Сафронов ўртоқлар сингари коммунистлар кундалик нормаларини 1,5-2 бараварга етказиб адо этаётирлар.

9-шахта партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу ютуқлар қайд қилиб ўтилиши билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам очиб ташланди.

Йиғилишда ҳисобот доклади қилган партия бюросининг секретари ўртоқ Х. Қодиралиев партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг бирмунча яхшиланганлигини, кончилар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олганлигини конкрет фактларда кўрсатиб ўтди. Бироқ у ишлаб чиқаришда юз берган баъзи камчиликлар ҳақида деярлик гапирмади.

— Партия бюроси, — дейди йиғилишда чиқиб сўзлаган транспорт участкаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алиев, — ишлаб чиқариш масалалари билан етарли шуғулланмаётир. Ишчиларнинг кўп қисми иш жойи бўлмаганлигидан бекор туриб қолмоқдалар. Шахта бош механиги ўртоқ Старов ва участка механиги Ведишев ўртоқларнинг ўзлари ишлаб чиқариш интизомини бузишга йўл қўймоқдалар. Улар техникага масъулиятсизлик билан қарайдилар. Бу ҳолни кўра-билатуриб партия бюроси уларни бирон марта ҳам тартибга чақирмади.

Шахта комитетининг раиси ўртоқ Давидович кончиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб бермаётганликлари ва уларнинг уй-жой бинолари қуриш ҳақидаги талабларига эътиборсиз қараётганликлари учун шахта бошлиғи Маев ва унинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Нетульчак ўртоқларни қаттиқ танқид қилди.

— Ҳозиргача шахтада сушилка йўқ, — дейди сўзида давом этиб ўртоқ Давидович. — Қиш мавсуми бошланганига қарамай клуб ва интернат ремонти секинлик билан олиб борилмоқда. Биноларнинг шиплари яроқсиз аҳволда. Шахта уй-жой бўлимининг бошлиғи ўртоқ Вафин ёмон ишламоқда. У уй-жой бинолари ремонтининг сифатига мутлақо аҳамият бермаётир.

Йиғилишда музокарага чиқиб сўзлаган коммунистлар комсомол ташкилотларига яқиндан ёрдам бермаётганликлари учун шахта партия бюроси ва участка партия ташкилотларини танқид қилдилар. Шахтада ишловчиларнинг кўпчилигини комсомол-ёшлар ташкил этади. Улар кўмир қазиб чиқаришда яхши меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Лекин партия бюроси ва цех партия ташкилотлари комсомол комитети иши билан мунтазам шуғулланмаётирлар. Комсомол комитетининг фаолиятини жонлантириш, ёшларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга жиддий эътибор бермаётирлар.

Коммунист ўртоқ Урванов ишчилар билан қўпол муомалада бўлиб келаётгани учун капитал қурилиши участкаси бошлиғи Лернерни қаттиқ танқид қилди. Шахта раҳбарлари, — дейди у, — қурилиш учун сарфланаётган маблағлар устидан контроллик қилмаётирлар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар 1-участка партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Шахницкийнинг участка кончилари ўртасида кейинги 3 ой давомида оммавий-сиёсий ишларни бўшаштириб юборганлигини айтиб ўтдилар. Улар техника хавфсизлиги устидан контролликни бўшаштириб юборганликлари учун шахта бошлиғи Маев ва бош инженер Мавашев ўртоқларни ҳам тўғри танқид қилдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишида шахта партия комитети ишидаги камчиликлар танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланмади. Партия бюроси касаба союз комитети иши устидан етарли раҳбарлик қилмаган. Коллектив шартномада кўрсатилган моддаларнинг бир қисми ҳамон бажарилмасдан келмоқда. Кончиларни уй-жой бинолари билан таъминлаш иши талабга етарли жавоб бермайди.

Йиғилиш партия ташкилотининг ишлаб чиқаришга раҳбарлигини янада яхшилаш ва кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга қаратилган тадбирлар белгилаб, қарор қабул қилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши шахта партия бюросининг янги составини сайлади. Партия бюросининг секретари қилиб ўртоқ Х. Қодиралиев сайланди.

И. АҲМЕДОВ,
М. РАҲИМОВ.

Оҳангарон. Суратда: ГРЭС электр лабораториясининг бошлиғи **А. Жаржанов** генераторни текширмоқда.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

З. АКРАМОВ. — **«Ўзбекистон халқ хўжалиги олтинчи беш йиллиқда».** 87 бет, тиражи 10.000, баҳоси 2 сўм 80 тийин.

Я. ИОФФЕ. — **«Совет Иттифоқининг асосий иқтисодий вазифаси тўғрисида».** 88 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 5 тийин.

ИБРОҲИМ РАҲИМ. — **«Хитой хотиралари».** 102 бет, тиражи 10.000, баҳоси 3 сўм 40 тийин.

Б. А. ДЕСЯТЧИКОВ. — **«Совет Узбекистонини электрлаштириш»,** 143 бет, тиражи 3.000, баҳоси 2 сўм 90 тийин.

З. Р. НУРИДДИНОВ. — **«Мирзачўл ўтмишда ва ҳозир».** 70 бет, тиражи 5.000, баҳоси 1 сўм 10 тийин.

С. Г. БОРОДАЙ. — **«Мўл ҳосилли район»** (республикада илғор ҳисобланган Тошкент область, Оржоникидзе районининг иш тажрибалари). 52 бет, тиражи 3.000, баҳоси 80 тийин.

С. ХУЖАЕВ. — **«Развитие транспорта в Узбекистане». 109** бет, тиражи 5.000, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

А. ОРТИҚОВ. — **«Хлопководческий колхоз имени Свердлова»** (Тошкент областининг Янгийўл районы). 43 бет, тиражи 3000, баҳоси 75 тийин.

М. И. ЙЎЛДОШЕВ. — **«XVI-XVII асрларда Бухоро билан Россия ўртасида элчилик муносабатлари».** 57 бет, тиражи 5.000, баҳоси 90 тийин.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Бекобод шаҳрида 300 кишилик қишки кинотеатр биноси битказилиб фойдаланишга топширилди. Бино учун 800 минг сўм сарфланди.

М. Мирсоатов.

* * *

Янгийўл шаҳридаги пойафзал-тикувчилик комбинати ишчилари учун икки қаватли уй-жой биноси қуриб битказилди. Ишчилар янги уйга кўчиб кирмоқдалар.

Қ. Ахмеров.

* * *

Қорасув районидаги Свердлов номли колхозда аҳолига медицина хизмати кун сайин яхшиланмоқда. Касалхонада ҳамма касалликларни даволайдиган бўлимлар — рентгент, кабинети, томоқ, қулоқ burun касаллиги ва терапевтика бўлимлари бор. Туғруқхона ва болалар консультацияси бўлимларида врачлар кечакундуз навбатчилик қиладилар.

Г. Салаватова,
Я. Мордухаев.

Тошкент областида Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов округлари тузиш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қарори

Тошкент шаҳри **№ 22** **1957 йил 16 октябрь**

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети **қарор қилади:**

«Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Тошкент область халқ судларига сайлов ўтказиладиган сайлов округларининг қуйидаги рўйхати тасдиқлансин:

1. Оққўрғон район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Оққўрғон сайлов округи.** Чегараси: Оққўрғон район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

2. Оҳангарон район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Оҳангарон сайлов округи.** Чегараси: Оҳангарон район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

3. Боёвут район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Боёвут сайлов округи.** Чегараси: Боёвут район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

4. Бекобод район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Бекобод сайлов округи.** Чегараси: Бекобод район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

5. Бўстонлиқ район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Бўстонлиқ сайлов округи.** Чегараси: Бўстонлиқ район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

6. Бўка район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Бўка сайлов округи.** Чегараси: Бўка район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

7. Верхне-волинск район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Верхне-волинск сайлов округи.** Чегараси: Верхне-волинск район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

8. Юқори Чирчиқ район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Юқори Чирчиқ сайлов округи.** Чегараси: Юқори Чирчиқ район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

9. Гулистон район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Гулистон сайлов округи.** Чегараси: Гулистон район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

10. Калинин район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Калинин сайлов округи.** Чегараси: Калинин район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

11. Қорасув район 1-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **1-Қорасув сайлов округи.** Чегараси: Қўйлиқ, Ўзгариш, Қизил Ўзбекистон қишлоқ советлари территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

12. Қорасув район 2-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **2-Қорасув сайлов округи.** Чегараси: Қорасув, Ленин номли ва Тузел қишлоқ советлари территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

13. Мирзачўл район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Мирзачўл сайлов округи.** Чегараси: Мирзачўл шаҳар ва Мирзачўл район территориялари.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

14. Қуйи Чирчиқ район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Қуйи Чирчиқ сайлов округи.** Чегараси: Қуйи Чирчиқ район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

15. Оржоникидзе район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Оржоникидзе сайлов округи.** Чегараси: Оржоникидзе район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

16. Октябрь район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Октябрь сайлов округи.** Чегараси: Октябрь район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

17. Паркент район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Паркент сайлов округи.** Чегараси: Паркент район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

18. Пискент район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Пискент сайлов округи.** Чегараси: Пискент район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

19. Ўрта Чирчиқ район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Ўрта Чирчиқ сайлов округи.** Чегараси: Ўрта Чирчиқ район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

20. Сирдарё район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Сирдарё сайлов округи.** Чегараси: Сирдарё район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

21. Тошкент район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Тошкент сайлов округи.** Чегараси: Тошкент район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

22. Ўртасарой район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Ўртасарой сайлов округи.** Чегараси: Ўртасарой район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

23. Ховос район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Ховос сайлов округи.** Чегараси: Ховос район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

24. Чиноз район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Чиноз сайлов округи.** Чегараси: Чиноз район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

25. Янгийўл район халқ судига сайлов ўтказиладиган **Янгийўл сайлов округи.** Чегараси: Янгийўл район территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

26. Оҳангарон шаҳар 1-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **1-Оҳангарон шаҳар сайлов округи.** Чегараси: Шахтерлар поселкаси, Оҳангарон разрезидан Оҳангарон шаҳар комбинатининг Отвал хўжалигигача (сўл қирғоқ), Социалистик шаҳарча, Оҳангарон станцияси Немис ва Тешиктош поселкалари киради.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

27. Оҳангарон шаҳар 2-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **2-Оҳангарон шаҳар сайлов округи.** Чегараси: АСУ-2 Марказий поселкаси, ГРЭСстрой поселкаси, Янги шаҳар, якка тартибда қурувчилар поселкаси ва Красноармейск қони.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

28. Олмалиқ шаҳар 1-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **1-Олмалиқ шаҳар сайлов округи.** Чегараси: якка тартибда қурувчиларнинг 96, 98, 100, 102, 103, 106, 121-кварталлари, Обводная ва Разведка кўчалари, Қорамозор поселкаси, Олмалиқ кўчаси бўйлаб 25-уйгача, Карл Маркс кўчасининг сўл томони, Проднаб поселкаси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

29. Олмалиқ шаҳар 2-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **2-Олмалиқ шаҳар сайлов округи.** Чегараси: Карл Маркс кўчасининг ўнг томони Олмалиқ кўчаси (25 уйдан) II. Ленобережная, 54-квартал, гишт заводи поселкаси Фабричная станциясигача, Терекли поселкаси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

30. Бекобод шаҳар халқ судига сайлов ўтказиладиган **Бекобод шаҳар сайлов округи.** Чегараси: Бекобод шаҳар территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

31. Чирчиқ шаҳар 1-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **1-Чирчиқ шаҳар сайлов округи.** Чегараси: шаҳарнинг жанубий чегарасидан Ленин кўчаси бўйлаб 161-уйгача (сўл томони) ва 64-уй (ўнг томони), Октябрь кўчаси бўйлаб 132-аптекагача (Чирчикторг маданий моллар магазини ҳам шунга киради); Совет кўчаси бўйлаб сўл томондаги 23-ва ўнг томондаги 24-уйларгача, Бозор ва Железнодорожная кўчадари бўйлаб 225-УНР автогаражигача, сўнгра Бўзсувгача, жануб ва шарқдан Чирчиқ шаҳрининг чегараси бўйлаб.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

32. Чирчиқ шаҳар 2-участка халқ судига сайлов ўтказиладиган **Чирчиқ шаҳар сайлов округи.** Чегараси: Ленин кўчаси бўйлаб сўл томондаги 161- ва ўнг томондаги 64-уйлардан Октябрь кўчаси бўйлаб 132-аптека ва Чирчикторг маданий моллар магазинидан, Совет кўчасининг Совет колхоз бозоригача бўлган ҳамма қисми. Железнодорожная кўчаси бўйлаб махсус 3-РУдан Бўзсувгача (ёрдамчи хўжалик территорияси ҳам) ғарб ва шарқдан Чирчиқ шаҳрининг чегараси бўйлаб.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

33. Янгийўл шаҳар халқ судига сайлов ўтказиладиган **Янгийўл шаҳар сайлов округи.** Чегараси: Янгийўл шаҳар территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

34. Янгиер шаҳар халқ судига сайлов ўтказиладиган **Янгиер шаҳар сайлов округи.** Чегараси: Янгиер шаҳар территорияси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 70 киши.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси
Ҳ. ЖАЛИЛОВ.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари
Ҳ. ҚОБИЛОВ.

Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов ўтказадиган Тошкентдаги сайлов округлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

Тошкент шаҳри **№ 1122** **1957 йил 11 октябрь**

«Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов тўғрисидаги Низом»нинг 15-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов бўйича ҳар бир округдан сайланадиган халқ маслаҳатчилари сони кўрсатилган ҳолда сайлов округларининг (Тошкент шаҳри бўйича) қуйидаги рўйхати тасдиқлансин:

ЛЕНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — меҳнат резервлари институти биноси, Карл Маркс кўчаси, 85-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

3-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — 55-мактаб, Паркент кўчаси, 103-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

4-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — врачлар малакасини ошириш институти биноси, Паркент кўчаси, 43-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

5-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — 71-мактаб, Луначарское шоссе, 42-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — «Узбексельмаш» заводи клубининг биноси, Қорамурт кўчаси, 136-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

2-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Райпишчеторг клубининг биноси, Энгельс кўчаси, 59-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

3-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — 1-медицина билим юрти, Барнаул кўчаси, 1-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — район ижроия комитетининг биноси, Шота Руставели кўчаси, 42-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

2-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Тўқимачилик комбинатининг медсанчасти, Шота Руставели кўчаси, 92-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

3-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Педагогика институти, Педагогическая кўчаси, 63-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

4-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Тўқимачилик институтининг биноси, Академическая кўчаси.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

5-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — 5-участка халқ судининг биноси, Беш-ёғоч кўчаси, 143-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

6-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — 95-мактаб биноси, Оренбург кўчаси, 2-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

7-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги коммунал энергетик-сув таъминоти ва газификация бошқармасининг биноси, Навоий кўчаси, 7-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

8-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — 1-фабрика-кухня биноси, Полиграфическая кўчаси, 25-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

МАРКАЗИЙ РАЙОН БЎЙИЧА

1-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг биноси, Ленинград кўчаси, 48-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

2-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Узгипроавтодор институтининг биноси, Ленин кўчаси, 61-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

3-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Узбекистон ССР Халқ маорифи министрлигининг биноси, Пушкин кўчаси, 17-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

4-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Пахта тозалаш саноати техникумининг биноси, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

5-участка халқ судига сайлов ўтказадиган сайлов округи.

Маркази — Куйбишев кўчаси, 8-уй.

Бу сайлов округидан сайланадиган халқ маслаҳатчиларининг сони 75 киши.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси
М. ТУРСУНОВ.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
В. УМАРОВ.

Газета ва журналларга барвақт обуна бўлингиз

Тошкент шаҳрида вақтли матбуотга ёзилиш кизғин бормоқда. Ҳозир 1500 жойда мингларча матбуот тарқатувчилар, 50 алоқа бўлими меҳнаткашларнинг газета ва журналларга ёзилишларини ташкил этиш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Почтальонлар ҳам бу ишдан четда қолмаганлар ва улар меҳнаткашларнинг уйларида газета ва журналларга ёзиш ишларини олиб бормоқдалар. Пахта далаларида меҳнат қилаётган кишилар учун ҳам ғамхўрлик қилинган. Уларнинг ўз вақтида газета ва журналларга ёзилишлари учун зарур тадбирлар кўрилган.

Пойтахтимиз меҳнаткашлари газета ва журналларга ёзилиш бошлангандан буён ўтган бир ойдан ортиқроқ вақт мобайнида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда икки марта кўп, яъни 6 миллион сўмга яқин суммага ёзилганлар.

Маҳаллий ва марказий газета ҳамда журналларга ёзилиш муваффақиятли бормоқда. Шаҳардаги 1500 дан ортиқ ташкилот ва корхона жамоатчилик фойдаланадиган газета ва журналларга ёзилиб бўлдилар. Якка тартибда ёзилиш ишлари ҳам яхши бормоқда. Минглаб студентлар, ўқитувчилар, ишчилар, инженерлар, техниклар, хизматчилар ўзлари севган турли газета ва журналларга зўр қизиқиш билан ёзилмоқдалар. «Звезда», «Октябрь», «Нева» ва бошқа журналларга ёзилувчиларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан анча ошиб кетди. Бу журналларга ёзилиш ҳамон давом этмоқда. Меҳнаткашлар, студентлар ва ўқитувчилар Югославия, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Руминия, Албания, Хитой Халқ Республикаларида чиқаётган газета ва журналларга ҳам кўплаб ёзилмоқдалар. Мазкур мамлакатларда рус тилида нашр этилаётган журналларга ёзилувчилар айниқса кўп. СССР Алоқа министрлиги органлари томонидан тарқатилаётган чет эл илмий ва илмий-оммабоп нашрларига ёзилувчилар сони ортиб бормоқда.

1958 йилдан бошлаб «Партия турмуши» журнали ўзбек тилида чиқа бошлайди. Шунингдек «Вопросы литературы», «Современный Восток» сингари жуда кўп янги журналларга ҳам ёзилиш қизғин бормоқда. Бу йил педагогика ва медицинага оид газета ҳамда журналларнинг тиражлари оширилди.

Янги йил яқинлашиб келмоқда. Шунинг учун ҳам газета ва журналларга ўз вақтида ёзилиш талаб этилади. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири 1958 йил учун газета ва журналларга ўз вақтида ёзилишни ташкил этиш ва унинг муваффақиятли ўтиши учун корхона, ташкилот ва муассасаларга ёрдам беришдан иборатдир. Газета ва журналларга ёзилиш кампанияси қанча тез тамомланса матбуот маҳсулотларини обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш иши шунча осонлашади. Газета ва журналларга ўз вақтида ёзилингиз.

Г. ЗОЛОТОРЕВ,
«Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар бўлими мудири.



Суратда: Чирчиқ шаҳридаги Ленин кўчасида.

В. Скородумов фотоси.

Пахтакор ўртоқлар, даладаги барча ҳосилни тезроқ териб олиш учун бир ғайратимизга икки, уч ғайрат қўшиб меҳнат қилайлик!

☆

Меҳнатсевар аравакаш

Терилган пахтани тайёрлов пунктига нобуд қилмай ўз вақтида ташиб бериш ҳам фахрли иш ҳисобланади.

«Пискент» пахтачилик совхози 6-бўлимининг ишчиси 65 яшар аравакаш Раҳмон ота Соатовни совхознинг каттадан-кичиги яхши танийди, унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Ота 34 йилдан буён аравакаш бўлиб ишлайди. У, шу кунларда ҳам ҳар бир соат, ҳар бир минутни ғанимат билиб, бўлимнинг 1-ва 7-бригадаларида терилаётган пахталарни ўз вақтида пунктга элтиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳар куни пунктга 4-5 қатнаб 7-8 тонна пахта ташимоқда.

Раҳмон ота Соатов ишлаётган бу бригадалар пахта тайёрлаш давлат планини бажариш арафасида турибдилар.

Бўлим бошлиғи Раҳмон отанинг меҳнатини тақдирлаб, яқинда уни қиммат баҳо буюм билан мукофотлади. Ота бу ғамхўрликка жавобан янада ғайрат билан ишлаётир.

А. АБДУЛҲАКИМОВ.

Ака-сингил теримчилар

ЯНГИЙЎЛ. Фрунзе номли колхознинг ўртоқ Юсуп Йўлдошев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 89 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Мўл ҳосилнинг сира нобуд қилмай йиғиб-териб олинишида ака-сингил — Ширин Хатамов ва Шамарат Хатамовалар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар кўп мингчилар ҳаракатига жўшлиб, мавсумда 10 минг килограммдан пахта териб бериш мажбуриятини олган эдилар. Ака-сингил ўз мажбуриятларини бажариш учун астойдил ҳаракат қилиб кунига 70-80 килограммдан пахта тераётир.

Ҳозиргача улар 7-8 тоннадан пахта териб, мавсум нормаларини ошириб бажардилар.

В. БОБОХОНОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 14 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
БЎСТОНЛИҚ	2,00	104,94
Оржоникидзе	1,31	90,18
Урта Чирчиқ	1,40	82,53
Пискент	1,18	81,46
Юқори Чирчиқ	1,26	80,65
Уртасарой	1,22	77,93
Сирдарё	1,44	76,22
Бекобод	1,14	75,99
Янгийўл	1,44	74,59
Верхне-волинск	1,02	74,17
Гулистон	0,96	74,14
Бўка	1,00	71,91
Мирзачўл	1,22	71,25
Октябрь	1,11	68,98
Оҳангарон	0,63	68,73
Оққўрғон	0,90	68,07
Чиноз	1,19	65,90
Калинин	0,78	64,58
Боёвут	0,83	60,32
Қуйи Чирчиқ	0,67	54,60

Суратда: Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг ҳозиргача 17-18 тоннадан пахта терган чевар теримчиларидан **Ғулжой Сувонова** ва **Ҳосилой Умарова** ўртоқлар.

А. Абдуазимов фотоси.

Илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети область шаҳарлари ва Тошкент шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 ноябрдан 10 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент шаҳрида** (шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Турсунов,** шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғуломов,** шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Соқиев**) қолдирилди. Тошкент шаҳри бўйича пахта териб бериш юзасидан олган мажбуриятни бажаришда яхши натижаларга эришилган.

Пахта териб бериш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятини бажаришда **Янгийўл** шаҳар саноат корхоналари коллективларининг яхши ишлари қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент шаҳар Ленин район саноат корхоналарининг коллективига** (район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Юсупова,** район партия комитетининг секретари ўртоқ **Содиқов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Карапетов**) берилди. Бу районга байроқ Тошкент шаҳрининг Октябрь районидан олиб берилди.

Октябрь ва Марказий район саноат корхоналари коллективларининг пахта йиғим-теримидаги яхши ишлари қайд қилинди.

Кўчма Қизил байроқ билан бирга илғор теримчиларни рағбатлантириш учун Тошкент шаҳрига 5 минг сўм ва Ленин районига 5 минг сўм пул берилди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта теримида иштирок этаётган олий ўқув юртлари, техникумлари, меҳнат резервлари ва ўрта мактабларнинг коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 ноябрдан 10 наябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент молия-иқтисод институти коллективига** (директори ўртоқ **Қориев,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Қосимов,** комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Шомамедов**) берилди. Бу институт бўйича меҳнат яхши ташкил этилиб, ҳар бир теримчининг юқори унум билан ишлашига эришилган. Институтга илғор студентларни мукофотлаш учун 4000 сўм пул берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент шаҳридаги 21-ўрта мактаб коллективига** (директори ўртоқ **Барабаш,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Димова,** комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Иванова**) берилди. Бу мактабнинг ҳар бир теримчиси ўрта ҳисоб билан 48,4 килограммдан пахта терган. Байроқ Тошкент шаҳридаги 14-ўрта мактабдан олиб берилди. Бу мактабга илғор ўқувчиларни мукофотлаш учун 1000 сўм пул берилди.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Транспорт қурилиши министрлигининг қурилиш техникуми, республика сиёсий-оқартув мактаби, 2-ҳунар мактаби, 18-махсус ҳунар мактаби, Ўзбекбирлашувнинг савдо-пазандалар тайёрлаш мактаби, Тошкент шаҳридаги 14 ва 65, Чирчиқ шаҳридаги 7- ва Уртасарой районидаги 18-ўрта мактаб коллективларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришдаги яхши ишлари қайд қилинди.

☆

Ўқитувчилар жавоби

Юқори Чирчиқ районидаги мактабларнинг ўқитувчилари коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча колхозчиларга, МТС ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига Мурожаатини қизғин муҳокама қилиб, унга амалий иш билан жавоб беришга, пахта теримида актив қатнашишга аҳд қилдилар. Райондаги 200 ўқитувчи ташкилий равишда Сталин номли, «Ленинизм» колхозларига чиқиб кетдилар. Ҳар бир ўқитувчи 12 кун мобайнида 1500 килограммдан кўсак териб бериш ва шу билан 3 миллион тонна пахта етказиб бериш учун ўзбек халқи олиб бораётган курашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Районимиз ўқитувчилари коллективи областимиздаги барча ўқитувчиларга мурожаат қилиб, уларни ҳам пахта йиғим-теримида актив қатнашишга чақиради.

С. АБДУРАЗЗОҚОВ.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири.

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 14 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«КУКОРОЛ»	1,15	106,93
3-«Оҳангарон»	—	82,34
Киров номли	1,29	80,14
1-«Далварзин»	1,19	78,20
«Пискент»	0,95	77,90
4-«Вревский»	1,25	76,67
2-«Далварзин»	0,81	72,18
2-«Оҳангарон»	1,20	69,80
«Малик»	1,14	69,22
«Оққўрғон»	0,81	67,87
«Чаноқ»	0,87	67,80
«Социализм»	0,74	64,80
1-«Боёвут»	0,80	58,22
«Гулистон»	0,53	57,78
«Дружба»	0,40	56,35
3-«Боёвут»	0,37	55,25
«Мирзачўл»	0,60	54,64
«ЎзССР беш йиллиги»	0,67	54,60
1-«Оҳангарон»	0,33	53,33
1-«Фарҳод»	0,48	52,0
Булганин номли	0,46	48,32
Бушуев номли	0,56	37,53

☆ ☆ ☆

Октябрь районида бўшашувчилик, хотиржамлик кайфиятига зарба берилмаётир

Калинин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Муҳамедов бошлиқ бригада аъзолари планни бажарганларидан кейин ҳам суръатни бўшаштирмай кунига 2 процентдан ошириб пахта топшираётирлар. Мирубоев, Ҳамробеков ўртоқлар бошлиқ бригада теримчилари ҳам мусобақани қизитиб, кунига 1,75-2,5 процентдан пахта тайёрлаётирлар.

Бу колхозда теримчилар катта группаларга бўлиниб, конвейер усулида ишламоқдалар. Улар энг олдин яхши очилган пахталарни, сўнгра эса ярим очилган кўсакларни йиғиб олаётирлар. Бу усул бор ҳосилни бирйўла териб олиш билан ерларни шудгорга тайёрлаш учун қулай имконият туғдираётир. Пахтани ташиш, қуритиш, кўрак чувиш машиналаридан самарали фойдаланиш ҳам колхозда яхши уюштирилган. Шунинг учун ҳам колхоз ноябрнинг биринчи ўн кунида 15 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 83 процентга яқин бажарди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча колхозчиларга, МТС ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати колхоз пахтакорларининг ғайратини янада ошириб юборди.

Бироқ Октябрь районидаги бошқа колхозларда ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ишлари ҳозирги вазият талаб қилганча уюштирилмаган. Деярлик кўпчилик колхозда теримчиларнинг меҳнати ёмон ташкил этилган. Далага кеч чиқиб, белгиланган нормани бажармасдан эрта қайтиш сингари ярамас аҳвол давом этмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ҳозирги шароитга қараб колхозчиларнинг катта группаларга бўлиб ишлашини ташкил этиш ва бу группаларга правление аъзолари, далачилик бригадалари бошчилик қилиш кераклиги ҳақидаги кўрсатмаси кўпчилик колхозларда бажарилмаяпти.

Сталин номли колхоз даласида бўлган киши пага-пага очилган, ҳатто ерга тўкилиб ётган пахта ва кўсакларни кўриб ажабланади. Колхозда давлатга шу кунларда ҳам планнинг камида 2 проценти миқдорида пахта топшириш имконияти бор. Колхоз правлениеси раисининг ўринбосари Саидқулов, партия ташкилотининг секретари Ҳожиев ва агроном Ғаффоров ўртоқлар етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга масъулиятсизлик билан қараётирлар. Улар колхоздаги мавжуд ишчи кучлардан тўла фойдаланишга эътибор бермай, фақат ёрдамчиларгагина таяниб иш олиб бормоқдалар.

Райондан берилган графикка мувофиқ бу колхозда ноябрь ойида 1281 киши теримга қатнашиш ўрнига фақат 283 колхозчи ва 415 ёрдамчи пахта тераётир. Кейинги кунларда меҳнат интизоми яна бўшашиб кетганидан, колхозчилардан бор-йўғи 178 киши теримга қатнашадиган бўлиб қолди. Улар ҳам кунлик нормани бажармаётирлар. Бунинг устига далада ишлаётган теримчилар иши устидан контроль қилинмайди, ким қаерда хоҳласа, пахта, кўсак териб юрибди. Оппоқ пахталар кўсак билан аралаштириб терилмоқда.

Аҳмедов, Умбетов ўртоқлар бошлиқ бир қатор бригадаларда пахта териш ва ташиш вақтида кўпгина ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилаётир. Эгатларда, йўлларда талайгина пахта, кўсак сочилиб ётибди. Далачилик бригадаларида тўкилган пахтани териб олиш ташкил этилмаган. Рашид Абулфайзиев, Урусбеков, Новрўзқулов, Орол Ҳайитов ўртоқлар бошлиқ бригадалар планни бажарганларидан кейин бутунлай суръатни пасайтириб юборганлар. Улар ноўрин магрурланиб айрим кунлари мутлақо пахта топширмаётирлар.

Район партия комитетининг Пахта МТСи зонаси бўйича секретари ўртоқ Исмоилов шу колхозга вакил. Юқоридаги нуқсонлар унга ҳам аён. Лекин ўртоқ Исмоилов йиғим-терим ва пахта тайёрлаш суръатини ошириш, камчиликларни бартараф қилишда колхоз правлениесига ва партия ташкилотига амалий ёрдам бераётгани йўқ. У ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарамоқда.

Хотиржамлик, қулай фурсатдан фойдаланмаслик каби ярамас аҳвол «Сталинчи» колхозида ҳам содир бўлмоқда. Колхозда барча куч йиғим-терим ишларини тезроқ тугаллашга сафарбар этилмаган. Колхоз раиси Жўрабеков, партия ташкилотининг секретари Самбетов ва район партия комитетининг колхоздаги вакили, райкомнинг зона инструктори Хван ўртоқлар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил қилишдек муҳим ишга бефарқ қараб, нуқул югур-югур билан оворалар. Колхозда дангасаларга, прогулчиларга қарши чора кўрилмаётир. Ўртоқ Донийёров бошлиқ бригада аъзоларидан Бектўраева, Мирзаҳмедова, Бўрибоева, Тўлабаева сингари кишилар пахта теримига қатнашмай қўйганлар. Тўрахўжаев, Холжигитов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам пахта теримига қатнашмаётган шу каби кишилар бор. Бу колхозда ишга кеч чиқиб, барвақт қайтиш, нормани бажармаслик одат тусига кириб кетган. Колхозда интизом ҳаддан ташқари бўшашиб кетганини 220 колхозчидан 137 киши пахта теримига қатнашаётганидан ҳам билиб олиш мумкин.

— Битта сушилкамиз бузуқ бўлса ҳам, иккинчиси тузук. Лекин пахта йўқлиги учун, — дейди печкага олов ёқувчи Ҳабибуллин, — сушилка уч кунлаб ишламайди, бор пахтани эса келтирмайдилар. Шунинг учун кўп вақт бекор турамиз.

«Шарқ юлдузи» колхози район планининг 27 проценти миқдорида пахта топшириши керак. Аммо бу колхозда иш яхши уюштирилмаганидан, йиллик план 10 ноябргача 62,1 процент бажарилди, холос.

Бу колхозда ҳам меҳнат унумини ошириш учун етарли иш олиб борилмаётир. Шунинг учун колхоз аъзолари ёрдамга келганлардан ҳам кам пахта тераётирлар. Масалан, Калинин районидан келган Хрушчев номли колхоз аъзолари ўртача 89 килограммдан, «Ленинизм» колхозидан келганлар 95 килограммдан кўсак тераётган бир пайтда, «Шарқ юлдузи» колхозининг аъзолари терим нормасини бажармаётирлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, Октябрь МТСининг директори ўртоқ Қосимов пахта йиғим-теримига мутлақо раҳбарлик қилмай қўйган. Кўрак чувийдиган машиналар унумсиз ишламоқда. Бу хунук аҳвол МТС раҳбарларининг парвойига ҳам келмайди.

Октябрь районидаги колхозларда ҳали ҳосил кўп. Бироқ бир қатор колхозларда юқоридаги каби камчиликлар, ташкилий уюшқоқсизликлар юз бераётганидан терим суръати кучайиш ўрнига пасайиб кетаяпти.

Район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари юз берган жиддий аҳволдан зарур хулоса чиқаришлари, ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда пахта териш ва тайёрлашни пухта уюштиришлари, барча ишчи кучларидан унумли фойдаланиш тадбирларини кўришлари ҳамда мавжуд техника воситаларидан тўла фойдаланишлари зарур. Шундагина район қолоқликдан чиқа олади.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
М. ДУБИНСКИЙ,
В. АДАБАШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг рейд бригадаси.



М. Воробейчиков чизган расм.

Кўрак териш ва кўрак чувиш машиналарининг юқори унум билан ишлашини таъминлайлик

Областимиз колхозчилари ва совхоз ишчилари бу йил об-ҳаво шароити ҳамда сув танқислиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгиб, олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Лекин гўзанинг ривожланишидаги кечикиш ва пахтанинг кеч очилиши натижасида етиштирилган ҳосилнинг жуда кўп қисмини кўрак ҳолида териб олишга тўғри келмоқда.

Пахта йиғим-теримида энг масъулиятли, ҳал қилувчи давр бошланди. Қиска муддат ичида даладаги қолган бутун пахта ҳосилини иложи борича тезроқ териб олиш ва сира нобуд қилмасдан давлатга топшириш керак. Бу иш қанчалик тез ва уюшқоқлик билан бажарилса, далаларни ғўзалардан тозалаш, шудгор қилиш, шўрини ювиш, ерларни текислаш ва бошқа катор кузги-қишки агротехника тадбирларини ҳам муваффақиятли ўтказилиб келгуси йил мўл ҳосили учун замин ҳозирлаш мумкин бўлади.

Область колхозлари ва совхозлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг барча колхозчиларга, МТС ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатига жавобан колган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ва Москвада бўлаётган пахтакорларнинг биринчи съезжига катнашиш ҳукукини олиш учун социалистик мусобақани ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

МТС ва совхозлардаги барча мавжуд кўрак териш ва кўрак чувиш машиналаридан фойдаланмасдан туриб даладаги колган ҳосилни тезроқ йиғиб олиш мумкин эмас, техникадан унумли фойдаланилса, йиғим-терим ишлари тезлашади ва давлатга пахта топшириш суръати кескин оширилади.

Маълумки, бир гектар ердаги кўракни териш учун 15-20 киши талаб қилинади. Ваҳоланки, биргина кўрак териш машинаси билан бир кунда 5 гектар ердаги кўракни терибгина олиш ёки бошқача қилиб айтганда 75-100 теримчининг ишини бажариш мумкин. Шу туфайли ҳар гектар ерга сарф қилинадиган қўл меҳнати ҳисобига 300-400 сўм иқтисод қилинади.

Ҳозирги пайтда кўрак чувиш машиналаридан ҳам унумли фойдаланишга катта эътибор бериш керак. Битта кўрак чувиш машинаси билан кунига 8-10 тонна кўракни тозалаш, икки смена ишлатилганда эса 16-20 тонна кўракни тозалаб, 160-200 кишининг меҳнатини бажариш мумкин.

Областимиз совхоз ва МТСларида 1529 кўрак чувиш ва 908 кўрак териш машинаси бор. Демак, бизда бу машиналардан унумли фойдаланиб суткасига 24 минг тонна кўрак чувиш, 13 минг тоннагача пахта тайёрлаш мумкин. Бу йиллик пахта тайёрлаш планининг 2,8 процентини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам барча кўрак териш ва кўрак чувиш машиналарини малакали кадрлар билан таъмиклаб, ишга тушириб юбориш ва уларнинг икки смена ишлашини таъмин этиш зарур. Кундалик кўрак териш ишини шундай ташкил қилиш керакки, натижада кўрак чувиш машиналарининг узлуксиз ишлаб туриши таъминланиши ҳамда об-ҳаво ноқулай келганда ҳам ишнинг тўхтамаслиги учун етарли кўрак запасига эга бўлишимиз керак.

Областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари йиғим-терим ишларини конвейер усулида ташкил этиб, барча техника воситалари ва ишчи ресурсларидан унумли фойдаланмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Бунда колган ҳосилни нобуд қилмай териб олиш, ярим очилган кўсакларни алоҳида тозалаш, очилмаган кўсакларни эса машинада чувишга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада давлатга кўп ва юқори сифатли пахта топширилаётир.

Кўсакларнинг очилиш даражасига қараб пахта йиғим-теримини конвейер усулда ташкил қилишда қуйидагича қойда ва тартибга амал қилиш лозим.

Биринчи навбатда бутун очилган кўракларни териш керак. Кўраги ярим очилган ва бутунлай очилмаган майдонларда йиғим-терим ишларини асосан кўрак териш машиналарининг ёрдамида амалга ошириш тавсия қилинади. Агар кўрак кўлда терилаётган бўлса, дастлаб ярим очилган ва чаноғида қолиб кетган, ерга тўкилиб қолган кўракларни, сўнгра қолган барча очилмаган кўракларни териш керак. Кўрак чувиш машиналаридан фойдаланилганда ҳам шу қоидага амал қилиш лозим.

Тупларида ўрта ҳисобда битталаб очилмасдан колган кўраги бор бўлган майдонларни бутунлай тозаланаётганда ерга тўкилган пахталарни ҳам териб олишни унутмаслик керак.

Кўраги кўк — пишиб етилмаган майдонларда ҳосилни йиғиб-териб олишни энг кейинги навбатда ўтказиш талаб қилинади. Чунки бу даврга келиб кўраклар температуранинг таъсири натижасида қуриши ва маълум миқдорда очилиши мумкин.

Катта майдонларда колган ҳосилни йиғиб-териб олишни техника ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиб шундай ўтказиш керакки, натижада йиғим-теримдан сўнг дарҳол ҳамма ерда шудгорлашни қизитиб юбориш мумкин бўлсин.

Ҳар икки-уч кўрак териш машинаси агрегатига битта кўрак чувиш машинасини биркитиб қўйиш ва уларга кўрак ташиб етказиб бериш ҳамда тозаланган пахтани ташиб олиш учун зарур миқдорда транспорт ажратиш керак.

Кўрак териш машиналари ва кўрак чувиш машиналарининг икки сменада ишлашини ташкил этиш учун уларни етарли миқдорда ишчи кучлари билан таъминлаш лозим.

Машиналарни ўз вақтида техника кўригидан ўтказиб туриш ва уларнинг ишини тўғри ташкил қилиш туфайли меҳнат унумини ошириш имкониятига эга бўламиз.

Кўрак териш машиналарининг бекор туриб қолишига асло йўл қўймаслик керак. Бунинг учун колхоз агрономлари механизаторларга бир кун олдин уларнинг пахта терадиган участкаларини кўрсатиб қўйишлари лозим, токи, механизаторлар ўз агрегатларини далага барвақт келтириб, машинанинг иш аппаратларини кўздан кечириб ишга тахт қилиб қўйиш имкониятига эга бўлсинлар. Кўрак териш машиналарининг юқори унум билан ишлашини таъминлаш учун агрегатларнинг кириш йўли ва қайрилиш жойларини тайёрлаб, ўқариқларни текислаб қўйиш зарур. МТС раҳбарлари машиналарни ўз вақтида профилактика кўриги ва техника каровидан ўтказилиб, тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Кўрак чувиш машиналарининг юқори унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг ишини марказлаштириш, барча колхоз ва совхозларда тозалаш пунктлари ташкил қилиш, чувилиши лозим бўлган барча кўракларни бир ерга тўплаш керак. Кўракнинг намлик даражаси 30 процентдан ошмаслиги лозим. Агар кўрак ҳаддан ташқари нам бўлса уни офтоб тафтида ёки сушилкада қуритилади.

Кўрак чувиш пунктларини усти ёпиқ жойлар, сарой яқинидаги хирмонларда ташкил қилинади. Пункт яқинида сушилка бўлса янада яхши. Тозалаш пунктлари енгинга қарши воситалар (сувли бочка, ўт ўчириш асбоблари ва бошқалар) билан таъминланган бўлиши шарт. Машина двигателининг трубасидан чиқиб турадиган олов учқунларини ўчириш учун трубанинг бўйини узайтириш ва унинг учини сувли бочкага олиб қўйиш лозим. Кўрак чувиш машинасини ишга созлаш пайтида машинанинг горизонталь ҳолатда туриши ва маҳкам ўрнашишини таъминлашга, албатта, эришиш керак. Иш жойини танлаганда тракторнинг осонлик билан кириши ва чиқиб кетишини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

УПХ-1,5 ва УПХ-1,5А кўрак чувиш машиналари ишлатилганда тозаланадиган кўрак машинанинг ўнг томонида туради. Чап томонда эса тозаланган пахталарни қоп ва қанорларга жойлаш учун майдонча ажратилади. УПХ-1,5 кўрак чувиш машинасининг меҳнат унуми қуйидагича бўлишини таъминлаш зарур: бу машина билан кўлда терилган кўрак чувилганда соатига 1500 килограмм, машинада терилган ерга тўкилган кўрак чувилганда эса соатига 1200 килограмм белгиланади.

Ёғингарчилик кунларида очиқ майдонларда кўрак чувиш қатъий манъ қилинади. Бундай вақтларда, ишни усти ёпиқ бўлган жойларда ташкил қилиш керак.

Кўрак чувиш машинасининг сифатли ва юқори унум билан ишлаши кўп жиҳатдан унинг ишга қанчалик тўғри тахт қилинганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ишни бошлашдан олдин тракторни бир кўздан кечириш, унинг ишга қанчалик тахт қилинганлигини бир-бир текшириб чиқиш лозим; тракторнинг кечаси ишлаши учун унинг электр билан таъминланишини ҳам кўриб чиқиш керак. Кўрак чувиш машиналари кўздан кечирилганида унинг бутун узелларининг мустаҳкамлилиги, занжир ва тасмаларининг таранглилиги, ишчи органлари ороликларининг тўғри ўрнатилганлигини текшириб чиқилади. Шунингдек машинага кераксиз нарсаларнинг ялашиб қолмаганлигини ҳам текширишни унутмаслик керак. Бунинг учун эса машинанинг тасмасини кўл билан айлантириб кўриб, ишчи органларининг жой-жойида эканлигини аниқланади.

Кўрак чувиш агрегатининг иши учун асосий жавобгарлик машинистнинг зиммасига тушади. У, ишнинг сифатини контроль қилиб бориш билан бир катордa ёрдамчи ишчиларнинг иши устидан ҳам раҳбарлик қилиб боради. УПХ-1,5 машинасида беш кишидан иборат (машинист ҳам шу ҳисобга киради),ХЧО-43 кўрак чувиш машинасида 6-7 кишидан иборат бригадалар хизмат қилади.

Завод инструкциясида кўрсатилганидек машиналарнинг техник қаровн юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилиши шартдир. Навбатдаги техника кўригидан ўтказилмасдан туриб машинадан фойдаланиш тақиқланади.

Кўрак чувиш агрегатлари ва кўрак териш машиналари ишлатилганида техника хавфсизлиги қоидасига қатъий амал қилиш керак. Механтни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги соҳасида махсус маълумотга эга бўлган, шунингдек машинада ишлашнинг техникасини пухта эгаллаб олган кишиларгина кўрак чувиш ва кўрак териш машиналарида ишлаши мумкин.

МТС ва совхозларнинг директорлари, бош агрономлари ва бош инженерлари кўрак чувиш ва кўрак териш машиналарининг иши устидан шахсан контроллик қилиб боришлари, кундалик топшириқнинг қандай бажарилаётганлигини текшириб бориб, арзимаган техника сабаблари билан машиналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўймасликлари керак. Кўрак чувиш агрегатлари ва кўрак териш машиналарининг группаларига МТС ва совхозларнинг бош агроном ва бош инженерларини ҳам киритиб масъул ходимларни биркитиб қўйиш зарур.

Колхоз правлениеларига кўрак тозалаш ва кўрак териш машиналарида ишлаш учун колхозлар билан машғул бўлган кишиларни рағбатлантириш учун қўшимча ҳақ ёзиш, рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш тавсия қилинади. Бунда пахта йиғим-теримида қатнашаётган колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибига амал қилинади.

Кўрак териш, кўрак чувиш машиналаридан тўғри ва унумли фойдаланилса, даладаги колган бутун пахта ҳосилини тез кун ичида йиғиб олиш ва областимиз бўйича мамлакатга 500 минг тонна «ок олтин» етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш мумкин.

И. ЮНУСОВ,
Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

Сергей СМИРНОВ.

Брест қалъаси қаҳрамонларини излаб

«Биз «советкалар» (немис газандалари совет офицерларининг хотинларини шундай деб атащар эди) қандай қилиб кун кўришимизни билмас эдик. Егулик ҳеч нарсамиз йўқ эди, — деб ёзади Брестда ҳалок бўлган артиллерия лейтенантининг хотини Мария Беспалова Орла шаҳридан. — Ҳатто тиланчилик ҳам қилдик. Буди-шудимиз бутунлай талон-тарож қилинди. Болаларимиз ўлиб кетди. Поплар бўлса, болаларимизни чўқинтирилмагани учун мозорга олиб бориб кўмишга рухсат бермасди. Улар хоҳлаганларича бор-йўғимизни тортиб олишар, яланг оёқ қилишар, кўчада ечинтириб олар эдилар. Хотинларимизнинг, болаларимизнинг, шулар қаторида менинг ҳам кўрган куним қурсин, ҳатто аслаш даҳшатли... Мен бутун Брест областини айланиб чиқдим: Белостокда бўлдим, Пинскда бўлдим, Ковелда бўлдим, Кобринда яшадим, хуллас бутун қишлоқларни айланиб чиқдим. Партизанлар бўлинмаси билан алоқа боғладим, уларнинг берган топшириқларини бажардим. Немислар мени олти марта қамоққа олишди, роса калтаклашди. Оқибатда майиб бўлиб қолдим...».

Мана, масалан, Брестда яшайдиган Т. Смирнова деган аёлнинг хатини олайлик.

«Улуғ Ватан урушининг дастлабки вақтлари, — деб ёзади Т. Смирнова, — мен ҳам қатор ўртоқларим каби вақтида кўча олмай қолдим. Биз Брестда яшайвердик ва шу ернинг ўзида яширин партия ишини олиб бордик. Бу ишимиз туфайли кўплар қамоқхоналарда жон берди, Германияга жўнатилди, отилиб кетди. Буларнинг ҳаммаси ўзларининг жондили билан севган Ватанни қўриқлаш йўлида бутун кучи, ҳатто ҳаётини ҳам аямай курашган камтарин ва оддий совет кишилари эди. Биз, коммунистлар, бизга топшириқ ёки ваколат берилишини кутиб, жим ўтира олмадик. Биз, бизга берилган партия ваколати бизнинг партиявий бурчимиз, партияга бўлган содиқлигимиз, партия ҳужжатимиз, гражданлик виждонимиз ва Ватанга бўлган соф муҳаббатимиз деб билдик. Шунинг учун ҳам биз, топшириқ ёки ваколат берилишини кутиб ўтирмадик. Балки, қўлимиздан келганича Брест аҳолиси ўртасида иш олиб бордик».

Хотинлардан олган хатларим ичида айниқса биттаси алоҳида ажралиб туради. Тўғри, бунда гап Брест қалъаси мудофаси тўғрисида эмас, балки қалъани озод қилишда қатнашган қаҳрамонлардан бирининг устида боради. Мен бу ғоят зўр инсоний ҳужжатни кўрсатиб ўтишни хоҳлардим.

Мен Боку шаҳрида яшовчи собиқ Совет Армияси офицерининг тул қолган хотини Осиё Сирожитдиновна Ҳусейнзодадан бир хат олдим. Унинг эри гвардия майори Али Ҳайдар Ибрагимов артиллерия дивизионининг командири бўлади. У фронтда уч йил қатнашади. Украинада, Белоруссияда, Кавказда, Қримда жанг қилади. Одессани озод этишда қатнашади. Битта Қизил Байроқ ордени, иккита Александр Невский ордени, Қизил Юлдуз ордени ва қатор медаллар билан мукофотланади. 1944 йилнинг ёзида у қўмондонлик қилган дивизион Брестни озод қилиш учун олиб борилган жангларда иштирок этади ва гвардия майори Али Ҳайдар Ибрагимов ўша ерда оғир ярадор бўлади.

3 сентябрь куни Осиё Ҳусейнзода тезлик билан эрининг олдига етиб келиш учун Пензадаги ҳарбий госпиталга чақирилди. Осиё Ҳусейнзода Бокудан чиқиб, 17 сентябрь куни Пензага етиб келади. Кейин ҳарбий госпиталга келиб эрини сўроқлайди.

Осиё Ҳусейнзоданинг хатида шундан кейинги воқиалар тўғрисида гап боради. Мен бу хатни деярли ўзгаришсиз келтириб ўтмоқчиман.

«... Бир енгилтак ҳамшира қиз ўша зоҳотиёқ менга: «Ҳа, ҳалиги икки кўзидан бир умрга жудо бўлган кўрни сўроқлаб келдингизми?!» деб айтди. Бу оғир, хунук гап у ёқ-бу ёғимдан тешиб ўтиб кетди! Ахир мен ҳеч қачон эримни шундай кўр бўлди, деб ўйламаган эдим-да. Бу оғир қайғу ва ҳаяжондан мен ўзимни йўқотиб қўйдим ва беҳуш бўлиб йиқилиб тушдим. Ҳушимга келиб қарасам, госпиталь бошлиғининг хонасида ётибман. Мени у ерга олиб бориб, тиббий ёрдам беришибди. Шундан кейин мени бинонинг учинчи қаватидаги палатага, кўр эримнинг олдига олиб чиқишди.

Палатада ўн саккиз офицер ётарди. Буларнинг ичида кўрлар, оёқсизлар ва бошқа ярадорлар ҳам бор эди. Мени эрим ётган кроватнинг олдига олиб келишганда эримни таниёлмай қолдим. Унинг ғоят абжаги чиқиб кетибди. Кўз ўрнида қизил, йирингли чуқурча пайдо бўлиб қолибди. Бурнининг бир ёқ парраги йўқ, жаги бутунлай парчаланган ва металл шина билан тортиб танғиб қўйилган, қўл кураги синган, иккала қўлининг бармоқлари ҳам кесилган эди. Ҳаммаси бўлиб ўн етти жойидан ярадор бўлибди. Яна икки юзи снаряд парчалари билан тўла.

Мен эримнинг олдига бориб, озарбайжончалаб: «Алиша, бу сенмисан?» деб сўрадим. У: «Ҳа» деб жавоб берди. Мен эримни қучоқлаб, дард билан тўлган бағримга босдим ва унинг йиғлаётганини сездим. Мен ўзим ҳам хўнграб йиғлаб юборгим келди, лекин ҳеч қачон ўзимни ушлаб ололмасдим. Шу сабабдан унга турли-туман спорт ўйинларини ўйлаб топиб берардим. Қопга ўн олти килограммлар чамаси қум солардим-да, унга орқалатиб, уйда ёки стол атрофидан етаклаб айлантирар эдим. Ёки бўлмасам, қизимизни бўйнига миндириб олиб айланарди. Бунда ҳам уни мен етаклаб юрардим.

Мен сизга фақат эру хотин иккимиз бирга чеккан кулфатларнинг бир қисмининигина ёзиб юбордим. Эрим ўйдан эшикка чиқмайдиган ва ҳеч кимга аралашмайдиган бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, эримнинг соғлиғи ва юрагига қаттиқ таъсир қиларди. Мен унинг тинч яшаши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилдим. Лекин шу аҳволда тўққиз йил умр кўриш унинг соғлиғига жуда оғир таъсир қилди ва дунёда менинг учун энг азиз бўлган киши қирқ саккиз ёшида, 1953 йилнинг 6 ноябри куни, байрам арафасида, юраги палаж бўлиб қолиб, 25 минут ичида ҳаёт билан видолашди».

Хатининг охирида Осиё Ҳусейнзода мендан эрининг қабрига ҳайкал — Али Ҳайдар Ибрагимовнинг бюсти ўрнатилишини сўраб, шунга ҳаракат қилишимни илтимос қилибди.

Ҳозирги вақтда Озарбайжон ССР Ҳукумати гвардия майори Али Ҳайдар Ибрагимовнинг қабри устига ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Аммо шуниси борки, менингча Осиё Сирожитдиновна Ҳусейнзоданинг ўзи ҳам қаҳрамон номини олишга арзийди. Ҳақиқатан ҳам унинг қилган иши — совет хотин-қизларига мансуб бўлган чин ватанпарварлик, улуғ севги ва буюк дўстлик намуналарининг айнан ўзидир, ёки, тўғрироғи, унинг қилган бу ишлари Улуғ Ватан урушининг бошқа қаҳрамонлари кўрсатган жасоратдан заррача ҳам камлик қилмайди. Мен ҳоҳлардимки, Осиё Сирожитдиновна Ҳусейнзода кўрсатган бу ажойиб жасорат ҳақида — Улуғ Ватан уруши қаҳрамонининг хотини кўрсатган бу ажойиб жасорат ҳақида бутун халқимиз ва бутун совет хотин-қизлари билса ва ҳеч унутмаса!

Майли, балки бу озарбайжон хотининнинг хати Брест қалъаси мудофаасига бевосита алоқадор эмасдир. Лекин хатдан англашилиб турган бутун руҳ, унинг чуқур фидокорлик ва қаҳрамонлик фазилатлари билан тўлган мазмуни мен юқорида қиқоя қилиб берган қалъа ҳимоячилари кўрсатган ажойиб жасоратларга, ҳеч шубҳасиз жўр бўла олади.

* * *

Совет Ватани ўз ҳимоячиларининг қаҳрамонона ишларини ҳеч қачон унутмайди. Бунга, бундан ўн беш йил муқаддам содир бўлган унутилмас кунлар тўғрисида, мана, эндигина тўлароқ бир маълумотга эга бўлаётган совет халқининг шонли Брест қалъаси мудофаси воқиаларига бўлган чуқур қизиқиши жонли тимсол бўла олади. Шунингдек, Совет ҳукуматининг Брест Қаҳрамонлари кўрсатган жасоратлар тўғрисидаги юксак баҳоси ҳам бунинг ёрқин далилидир. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Брест қалъаси мудофаасининг бош раҳбарлари ва қаҳрамонларидан бири Петр Михайлович Гавриловга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Марказий қалъа мудофаасининг бош ташкилотчиси полк комиссари Е. М. Фомин вафотидан кейин Ленин ордени билан мукофотланди. Р. И. Абакумова, С. М. Матевосян, А. А. Виноградов ва бошқалар эса Жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланишга сазовор бўлди. Брест қалъаси мудофаасида ҳалок бўлган қаҳрамонлардан — капитан И. Н. Зубачев, капитан В. В. Шабловский, старший политрук Н. В. Нестерчук, лейтенант А. Ф. Нагановлар вафотларидан кейин Биринчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотландилар. Шунингдек бошқа қатор қалъа ҳимоячилари ҳам Совет Иттифоқининг турли орден ва медаллари билан мукофотланди.

(ТАМОМ).

Саидаҳмад ХУДОЙБЕРГАНОВ таржимаси.

(Боши газетанинг 4, 7, 12, 14, 18, 20, 22, 25, 27, 28 сентябрь, 1, 5, 16, 19, 23, 27, 30 октябрь, 3 ва 13 ноябрь сонларида).

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Чехословакия Республикаси Ҳукуматининг ва Миллий фронт Марказий Комитетининг Чехословакиядаги ҳамма меҳнаткашларга мурожаати

Ўртоқлар, ака-укалар ва опасингиллар!

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Республикаси ҳукумати ва Миллий фронт Марказий Комитети Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Чехословакия Республикаси Президенти ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг узоқ давом этмаган оғир бетоблиқдан сўнг 1957 йил 13 ноябрь эрталаб соат 5 да вафот этганлигини партиянинг ҳамма аъзоларига ва бутун чехословак халқига чуқур қайғу билан билдирадилар.

Ўртоқ Запотоцкийнинг актив фаолияти қизиб турган бир пайтда унинг қасал бўлиб қолганлигини мамлакатимизнинг меҳнаткашлари 4 ноябрда эшитиб, ўша пайтдан буён унинг бетоблиги қай аҳволда эканлигини қаяжонланиб кузатиб турдилар. Афсуски, врачларимизнинг ҳар қанча зўр беришига қарамай, 12 ноябрдан 13 ноябрга ўтар кечаси бошланган кризисни енгиб бўлмади; ўртоқ Запотоцкийнинг юраги урмай қўйди. Ватанимиз оғир мусибатга учради.

Ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг номи бутун партиямизга ва бутун халқимизга ҳамиша азиз ном бўлиб қолади, бутун дунё ишчилари ва меҳнаткашлари унинг номини ҳамиша ҳурмат билан тилга оладилар.

Ўртоқ Запотоцкийнинг бутун ҳаёти ишчилар синфи иши учун, меҳнаткашлар иши учун, социализм иши учун фидокорона курашга батамом бағишланган эди. У, ишчилар ҳаракатимиз жанговар қаторларининг олдинги сафларида 50 йилдан кўпроқ турди.

Бундан 40 йил муқаддам ўртоқ Запотоцкий Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини тушунди. У, эксплуататорлар ҳукмронлигини ағдариш учун қатъий кураш олиб бориш йўли, революцион марксизм-ленинизм йўли, рус большевиклари бутун дунё меҳнаткаларига кўрсатиб берган йўл Ватанимизнинг ва халқимизнинг бахтли келажагига олиб борадиган бирдан-бир йўл эканлигини тушунди.

Шу сабабли ўртоқ Антонин Запотоцкий (биз унинг вафот бўлганлиги муносабати билан бугун ҳаммамиз қайғирмоқдамиз) шонли ва азиз Чехословакия Коммунистик партиямизнинг бош асосчиларидан бири бўлиб қолган эди. Шу сабабли, партия барпо қилинган кундан бошлаб ўз умрининг охирги дақиқаларигача у ўзининг бутун кучини партиямизга, партиямизнинг оғир ва голибона курашига бериб келди. Шу сабабли, ишчилар синфимизнинг галабага эришувида, халқ-демократик республикамизнинг гуллаб-яшнашида ва бугун бизнинг халқимиз ўз мамлакатида социалистик қурилишни тугаллашга киришиш имкониятига эга бўлганлигида ўртоқ Запотоцкийнинг ўлмас хизматлари шу қадар катта бўлди.

Капитализмга қарши кураш даврида Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбар арбоби бўлган ўртоқ Запотоцкий унутилмас ўртоғимиз Клемент Готвальд билан ёнма-ён қаттиқ туриб, партияни мустаҳкамлаш, партиянинг оммага таъсирини кенгайтириш, ишчилар синфини ва меҳнаткашлар оммасини партия раҳбарлигида бирлаштириш йўлида у билан биргаликда ишлади. У, қизил қасаба союзларга бош бўлиб, ўнлаб оғир синфий жангларда, намойишларда ва забастовкалар вақтида революцион ишчилар синфимизга раҳбарлик қилди. У, халқ билан мустаҳкам ва доимий алоқада бўлишда ҳамиша ўрнак кўрсатиб келди, халқнинг ташвишлари ва қувончларига ҳамиша батамом шерик бўлди, халқнинг манфаатлари унинг учун ҳамиша олий қонун бўлиб келди.

Буржуазиянинг қувғинлари ва тюрьмага қамашлари ҳам, нацистларнинг қамоқ лагерларида кўп йиллар давомида кўрган азоблари ҳам умрбод коммунист-курашчи бўлиб келган ўртоқ Запотоцкийнинг енгилмас революцион гайратини бука олмади.

Совет Армияси Ватанимизни озод қилгандан кейин, у тағин ҳам кўпроқ ғайрат билан ишга киришди. Партиямиз готвальдчи раҳбарлигининг раҳбар аъзоси бўлган ўртоқ Запотоцкий революцион касаба союзларига яна бош бўлиб қолди, уларни 1948 йилнинг февралида халқ демократиямизнинг қатъий зафарли курашига олиб борди. У, Бош министр ва ўртоқ Готвальд вафотидан сўнг Чехословакия Республикасининг Президенти сифатида Ватанимиздаги социалистик қурилишнинг энг илғор ташкилотчиларидан бири бўлди.

Шу оғир дақиқаларда биз, Коммунистик партиянинг ҳамма аъзолари, Миллий фронтимиздаги ҳамма ташкилотларнинг аъзолари, касаба союзларнинг аъзолари, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ўртоқ Запотоцкийнинг Ватанимиз олдида қилган зўр хизматларини, унинг ҳормай-толмай қилган самарали ишларини ва унинг халқ иши учун бутун умрини сарфлаб олиб борган фидокорона курашини эсга оламиз.

Ватанимиз ва халқимиз бошига тушган мусибат катта ва оғир мусибатдир. Шунинг учун ҳам бугун партиямизнинг бутун фаолияти нимадан иборат эканлигини, ўртоқ Готвальд бизга нималарни ўргатганлигини, ўртоқ Запотоцкий ўзининг бутун умрини нималарга сарфлаганлигини, бутун ҳаракатларимизнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини: ўзимизнинг бутун кучимизни олижаноб социалистик ва коммунистик мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун курашга, бутун мамлакатимиз ва барча меҳнаткашларнинг турмушини тобора яхшилаш ва уларни тобора бахтиёр қилиш учун курашга сарфлашдан иборат эканлигини эсга олишимиз айниқса муҳимдир.

Ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг хотираси халқимизнинг қалбида абадий яшайди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети тезларагида ва Миллий фронт тезларагида тағин ҳам зич бўлиб жипслашайлик! Барча меҳнаткашларимизнинг енгилмас бирлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайлик!

Энг улуғ иттифоқчимиз ва энг яхши дўстимиз — Совет Иттифоқи билан, қардош совет халқи билан, унинг шонли Коммунистик партияси билан бузилмас дўстлик иттифоқини тағин ҳам мустаҳкамлайлик! Халқимизнинг барча социалистик мамлакатлардаги халқлар билан, бутун дунё меҳнаткашлари билан халқаро қардошларча бирдамлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайлик! Душманларимизга нисбатан ҳушёрликни бир минут ҳам бўшаштирмайлик, ўзимизнинг бутун ҳаракатимиз билан бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлай берамиз.

Яратувчилик вазифаларимизни амалга ошириш йўлида тағин ҳам кўпроқ ғайрат ва матонат билан ишлай берамиз! Мамлакатимизни тағин ҳам кучли ва бадавлат қилиш учун, барча меҳнаткашларимизнинг турмушини тағин ҳам яхшилаш учун бутун кучимизни Коммунистик партия раҳбарлигида сарфлаймиз!

Мамлакатимизда социализм қурилишини голибона тугаллаш учун олға!

Ленин йўлидан ҳамиша оғишмай олға борувчи бизнинг шонли Чехословакия Коммунистик партияси яшасин!

Социализм байроғи остида жипслашган мард меҳнаткаш халқимиз яшасин!

Азиз социалистик Ватанимиз — Чехословакия Республикаси яшасин ва яшнасин!

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
МИЛЛИЙ ФРОНТ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Ўртоқ Антонин Запотоцкий касаллигининг бориши тўғрисида ахборот

ПРАГА, 13 ноябрь. (ТАСС). Бугун Чехословакия радиоси ўртоқ Антонин Запотоцкий касаллигининг бориши тўғрисида қуйидаги ахборотни эшиттирди:

Республика Президенти Антонин Запотоцкий касалининг биринчи клиник нишонаси 1955 йилдаёқ пайдо бўлган эди. 1955 йил 31 августда ўртоқ Запотоцкий ишга тўла қобилиятли бўлган ҳолда унда тўсатдан юрак фалажи рўй бериб, у ҳушидан кетди (коланс) ва бу ҳол 16 соат давом этди. Ўша вақтдаёқ электрокардиограмма юрак томирларининг ишлаши издан чиққанлигини қайд қилган эди. А. Запотоцкийни муттасил даволаш, режимга намунали суратда риоя қилиш ва унинг яшаш қобилияти туфайли у ўзининг масъулиятли давлат лавозимига қайта олди. Қаттиқ режим ва врачларнинг маслаҳатига риоя қилиниши юракнинг нормал суратда ишлашини тиклашга ёрдам берди. Бироқ, яна тўсатдан юрак касали тутиб қолди. Шу йил 4 ноябрда ишга тўла қобилиятли бўлган пайтда кардиограмма яна юрак инфаркти нишонасидан дарак берди. Зўр бериб даволаш бошланди. Касалликнинг жиддийлигига ва беморнинг ёшига қарамай, касаллик биринчи ҳафтада нормал ўтди. Ўртоқ Запотоцкийнинг иш фаолияти издан чиқмади ва у, давлат ҳамда жамоат ишлари билан қизиқишни давом эттираберди.

Бироқ, шу йил 12 ноябрда юрак касалининг аёвсизлиги тўла суратда намоён бўлди. Бу пайтда ўрнида жуда оҳиста ётган ва барча даволаш қоидаларига тўла суратда риоя қилиниб гурилгани ҳолда беморнинг юрак мускуллари тўсатдан яна шикастланди ва шу билан бир вақтда юрак фаолияти етарли даражада бўлмади. Юракнинг заифлиги ва қон юришининг издан чиқиши ҳамма чоралар кўрилганига қарамай, ярим кечадан бошлаб жуда тез кучая борди. А. Запотоцкий ҳатто жуда оғирлашиб қолган соатларида ҳам ўз касали билан курашни давом эттирди. Юрак тўхтаганлиги натижасида худди соат бешда у вафот этди.

Прага, 1957 йил 13 ноябрь.

Ишчилар синфининг улуғ фарзанди

ПРАГА, 13 ноябрь. (ТАСС). Чехословакия Телеграф агентлиги «Ишчилар синфининг улуғ фарзанди» деган сарлавҳа остида ўртоқ Антонин Запотоцкийнинг таржимаи ҳолини эълон қилди.

Антонин Запотоцкий 1884 йил 19 декабрда Прага яқинидаги Кладно районида, Заколани деган жойда туғилди. Унинг отаси Ладислав Запотоцкий Чехияда социализмнинг биринчи пионерларидан бири эди. Антонин Запотоцкий ўзининг оғир ва тамғин ёшлигини Заколанида ўтказди. Бу ерда унинг оиласи моддий жиҳатдан оғир шароитда тирикчилик кечирган эди ва ёш Антонин капитал зулми остида меҳнаткашларнинг турмуши қанчалик оғир эканлигини болалик чоғидаёқ кўрди. Антонин Запотоцкий Кладнодаги бошлангич мактабни битириб, тоштарошликни ўрганишга кетди. Уйдаги тарбия ва айниқса унинг отаси Запотоцкийга катта таъсир кўрсатди. Антонининг отаси уни ёшлик чоғидан бошлаб социализм руҳида тарбиялади.

Антонин Запотоцкий 16 ёшида социал-демократик ёшлар сафига кирди ва тез орада Прага-Жижковда ёшлар ташкилотининг раҳбар ходимларидан бири бўлиб қолди. Тез орада у агитация марказий комитетига ўтиб, у ерда яхши ташкилотчи ва агитатор сифатида танилди. Антонин Запотоцкий шеърлар ёзади, драма тўгаракларининг аъзолари ўртасида иш олиб боради, санъат ходимлари билан учрашади, анархистларнинг тўғарагига қатнайди. У Австрия милитаризмига ва жаҳолатига қарши курашади. 1905 йилда биринчи Рус революциясининг таъсири остида чех ерида умумий сайлов ҳуқуқи бериш шиори остида катта намойишлар ва галаёнлар бўлди. Антонин Запотоцкий намойишларда қатнашиб, бунинг учун бир неча марта қамоққа олинди ҳамда суд қилинди.

1907 йилда Антонин Запотоцкий Кладнода социал-демократик партиянинг область секретари ва касаба союз ташкилотининг секретари қилиб сайланди. У шу вазифада ишлаб марксистик ишчилар ҳаракати тактикасини ва стратегиясини ўзлаштирди. Жаҳон уруши уни бу ишдан тўрт йилга ажратиб қўйди. Бу йилларни у турли фронтларда ўтказди. Уруш тугагандан кейин А. Запотоцкий ўзининг сиёсий ва ташкилотчилик қобилиятини бундан кейинги янада қатъий курашга бағишлаш учун Кладнога қайтиб келди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Россиядаги воқеалар унга тўғри йўл кўрсатиб берди. Шу сабабли у социал-демократик партиянинг сўл қанотига, социал-демократиянинг ўнг қанотига ва оппортунизмга қарши курашаётган оппозицияга қўшилди. 1920 йилда у Коминтернининг иккинчи конгрессида қатнашиш учун делегат қилиб Москвага юборилди. Бу ерда у В. И. Ленин билан учрашди. Антонин Запотоцкий Совет Россияси ҳақида ҳақиқатни айтувчи биринчи чех сиёсий арбобларидан бири эди. 1920 йилдаги декабрь забастовкаси даврида А. Запотоцкий Кладно революцион курашчиларининг биринчи сафларида туради ва революцион комитет раиси сифатида қамоққа олиниб, икки ярим йил муддат билан тюрьмага қамалишга ҳукм қилинди. А. Запотоцкий социал-демократик партия ўз ролини бажарганлигига, янги, ленинча партияни тузиш зарурлигига ишонч ҳосил қилди.

Антонин Запотоцкий 1921 йилда Чехословакия Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири бўлди. 1922 йилда у партиянинг бош секретари қилиб, 1925 йилда эса Миллат мажлисининг депутати қилиб сайланди. 1929 йилда Клемент Готвальд бошчилигида партиянинг ленинча раҳбарлиги, яъни партияни реформизмдан ва ликвидаторлик тенденцияларидан тозалаган раҳбарлиги сайлангандан кейин, ўртоқ Антонин Запотоцкий ёш ўртоқлар билан ёнма-ён бўлиб, ленинизм позициясида турди. А. Запотоцкий қизил қасаба союзларининг бош секретари қилиб сайланди. Шундан кейин иқтисодий кризис даврида қаттиқ синфий кураш йиллари, масалан, 1932 йилдаги катта Мост забастовкаси ва бошқа забастовкалар йиллари бошланди. Республикага гитлерчилар фашизми таҳдид қилган ва мамлакатнинг буржуазияси ўзининг ҳоинлик башарасини очиб кўрсатган йилларда А. Запотоцкий республикани ҳимоя қилиш ва барча демократик кучларни фашизм хавфига қарши курашга жипслаштириш шиорини илгари сурган партия сиёсатини қаттиқ ёқлади. Партия ва қизил қасаба союзлари тарқатиб юборилгандан кейин А. Запотоцкий яширин ҳаракат ташкил қилишга ёрдам беради ва Чехословакия Коммунистик партияси яширин Марказий Комитетининг аъзоси бўлади.

Гитлерчи фашист армияси Чехословакия босиб олгандан кейин партиянинг яширин Марказий Комитети ўртоқ Запотоцкий чет элда туриб курашни давом эттирсин, деб қарор қилди. А. Запотоцкий чегарадан ўтмоқчи бўлганида гестапо томонидан ушланиб, концлагерга қамалди ва то 1945 йилга қадар лагерда бўлди. Нацист зиндонидаги даҳшатлар унинг ҳаётта бўлган қатъий иродасини синдиролмади. У бошқаларга намуна бўлиш учун ўзига хос зўр ғайрат билан тинч ижодий меҳнатга киришди. Партия оккупациянинг оғир оқибатларини тугатишда ва кенг оммани мамлакатда социалистик қурилишга сафарбар қилишда ўртоқ Антонин Запотоцкийдек тажрибали, доно ва фидокорона ходимга эга эди.

1945 йил июнь ойида Антонин Запотоцкий революцион касаба союз ҳаракатининг раиси қилиб, муваққат Миллат мажлисининг депутати қилиб ва сўнгра таъсис этувчи Миллат мажлисининг депутати қилиб сайланди. Антонин Запотоцкий революцион касаба союз ҳаракатининг раиси бўлиб, 1948 йилда реакциянинг мамлакатда капитализмни тиклашга қаратилган планларини барбод қилишда катта хизмат кўрсатди. Унинг фабрика-завод кенгашлари съездида сўзлаган ёрқин нутқи ҳамманинг эсида. Бу съездда умумий забастовка эълон қилиш ва Чехословакия корхоналарини янада национализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Чехословакия ишчилар синфининг социализм қуриш соҳасидаги тажрибасини А. Запотоцкий ўзининг бир қанча мақолаларида умумлаштириб берди. Бу мақолалар марксча-ленинча адабиёт хазинасига қимматли ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг «Эскича яшаш мумкин эмас», «Касаба союзларининг янги сиёсати», «Касаба союзларининг бирлиги — социализация учун курашнинг таянчидир» номли китоблари социализм қурилишининг жуда муҳим проблемаларини умумлаштириб беради ҳамда ишчилар синфи олдига янги вазифалар қўяди.

Янгиланган миллий фронтнинг янги ҳукумати тузилгандан кейин Антонин Запотоцкий ҳукумат раисининг ўринбосари қилиб тайинланди. 1948 йил июнь ойида Клемент Готвальд президент қилиб сайлангандан кейин Антонин Запотоцкий Чехословакия ҳукуматига бошлиқ бўлди. Президент Клемент Готвальд вафотидан кейин Антонин Запотоцкий 1953 йил 21 мартда Чехословакия Республикасининг президенти қилиб сайланди. Антонин Запотоцкий доно раҳбар сифатида тўрт йилдан кўпроқ вақт давомида давлатдаги бу олий лавозимда туриб, чехословак халқининг қалбидан чуқур жой олди. У ҳамма учун — ишчилар учун ҳам, деҳқонлар учун ҳам, зиёлилар учун ҳам азиз киши эди, у ларнинг иши билан қизиқар, ҳамиша кузатиб турар эди.

Антонин Запотоцкий санъат ходимлари ва ёзувчилар билан маҳкам алоқада бўлиб, уларни қадимий жиҳатдан қимматли ва халққа тушунарли асарлар нашр этишга даъват этди. У ишчилар синфининг тарихий тажрибаси ёритилган бир қанча романлар ёзиб, ўзининг талантли ёзувчи эканлигини кўрсатди. Китобхонлар унинг «Янги жангчилар сафга қўшилади», «Шиддатли йил», «Кладно устида қизил шафақ» ва «Тонг ёриша бошлади» номли китобларидаги қаҳрамонларни севиб қолдилар. Унинг маданият ва интеллигенция тўғрисидаги мақолаларининг тўплами маданият ходимлари учун белгиланган доно ва чуқур идеялар китоби бўлиб қолади.

Антонин Запотоцкийнинг ҳаётида Чехословакияда социализм галабаси учун олиб борилган курашнинг бутун бир даври акс эттирилган, Чехословакия Республикаси ҳозирги тарихининг, унинг халқ бахт-саодати йўлидаги улуғ ва шодиёна кураши тарихининг шонли саҳифалари Запотоцкийнинг номи билан абадий боғланган бўлиб қолади.

ЕР СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 14 ноябрь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 152 марта айланиб чиқди. Биринчи сунъий йўлдош шу вақттача Ер атрофини 606 марта ва унинг учирувчи ракетаси 610 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ бўлганда Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини қўёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 57 градусидан 65 градусигача ҳамда қўёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 38 градусидан 65 градусигача одий кўз билан кўриш мумкин.

Биринчи йўлдошнинг учирувчи ракетасини қўёш ботгандан кейин шимолий кенгликнинг 61 градусидан 65 градусигача ва қўёш чиқиши олдидан жанубий кенгликнинг 49 градусидан 63 градусигача кўриш мумкин (ТАСС).

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 17 ноябрда чиқади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Колхозда медицина хизмати яхшиланди

Верхне-волинск районидаги Свердлов номли колхознинг аъзолари редакцияга ёзган хатларида колхоз кишлоғида янги уй-жой бинолари, электр станцияси ва бошқа жуда кўп иморатлар қад кўтариб йил сайин обод бўлаётганини кўрсатиб, колхозчиларга медицина хизматининг яхши йўлга қўйилмаганидан шикоят қилган эдилар. Редакция фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни район ижроия комитетига юборган эди.

Механткашлар депутатлари Верхне-волинск район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Расулевнинг редакцияга хабар қилишича Свердлов номли колхозда медицина пункти ва туғруқхона очилган ҳамда колхозда медицина хизматларини яхшилашга қаратилган зарур тадбирлар белгиланган.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Аломат ҳодиса**, 16/XI да **Ганг дарёсининг қизи**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Евгений Онегин**, 16/XI да **Фарҳод ва Ширин**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет цирки усталари иштирокида тамоша**. Кеч соат 8 да бошланади.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Узгариш йўлида**, кеч соат 8 ва 10 да **Тинч оқар Дон** (1-серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да янги киноповесть **Дальний оролида...**, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да **Тинч оқар Дон** (1-серия).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26524 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132 Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 01698. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1881.